DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7631564 Pages: 201-206



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE





ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Фарида Эшназарова *ф.ф.б.ф.д (PhD)*
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали ўқитувчиси,
E-mail: faridaeshnazarova4@gmail.com

Kalit so'zlar: оила, турмушга тайёргарлик, никоҳдан олдинги омил, мотив, севги-муҳаббат.

Annotatsiya: Ушбу мақолада ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг психологик хусусиятлари, оила қуришнинг никоҳгача бўлган омиллари, оилага тайёргарлик мезонлари каби масалалар атрофлича ёритилган.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PREPARING YOUNG PEOPLE FOR FAMILY LIFE

Key words: family, readiness to family, preamarital factors,the age of starting a family,motivation, love, dating terms, the family of the stereotype, the family convenience.

Abstract: This article discusses the psychological characteristics of preparing youth for family life; in detail explained the premarital factors of starting a family, motivation, criteria of readiness to family, marriage age, the terms and conditions dating young.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ МОЛОДЕЖИ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Ключевые слова: семье, подготовка к смейной жизни, предбрачньЫй факторыI, возраст создания семьи, мотивыI, любовь, условия знокомства, семья по стереотипу, семья по расчету.

Аннотация: В данной статье рассматриваются психологические особенности подготовки молодежи к смейной жизни: подробно объясняются предбрачныI факторыI создания семьи, мотивыI, критерии подготовленности к семье, возраст вступления в брак, сроки и условия знокомства молодыIх.

«Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!», - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти.[1]

Инсон оилада дунёга келади. Мурғак фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни қабул қилиб олади, балки у хаётда одамзотга хос бўлган барча хатти-харакат, кўникма, малака ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларини ҳам ўз оиласида эгаллайди, камол топтиради. Инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий-руҳий камолоти албатта оиладан бошланади.

Оила жамиятнинг бир бўлаги, у бутун инсоният ва ҳар бир халқ тараққиётининг бешигидир

Оила –арабча "Оил" сўзидан олинган бўлиб, у "аёлманд", "ниёзманд" деган маъноларни билдиради. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг учинчи китобида бу сўзнинг бош маъноси, яъни "эр-хотун, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганлари яшовчи хонадон", "Бир мақсад билан бирлашган кишилар" маъносини англатади.

Инсон борки, туғилган кунидан бошлаб, ўзининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини оилада қондиради. Шундай экан, оиладаги муҳитнинг қай тарзда бўлиши боланинг тарбиясига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. Миллий мафкурамизга мос бўлган илк тушунчалар, аввало оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати ва она меҳри орқали амалга оширилади. Демак, оиладаги соғлом муҳит соғлом авлод тарбиясининг муҳим манбаи саналади.

Оилада боланинг шахс сифатида шаклланиши унинг гўдаклик давридан бошланади. Болалар тарбиясига биринчи навбатда ота ва онанинг ўзаро муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Оиладаги соғлом муҳит, оила аъзоларининг ўзаро самимий муносабатлари, меҳрибончиликлари, бир-бирига бўлган ғамхўрлик, ўзаро ҳурмат боланинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-она фарзанди олдида ўз ақл-заковати, муомаласи,

ширинсўзлиги, ростгўйлиги, билимдонлиги, меҳнатсеварлиги билан намуна бўлиши зарур. Оиладаги носоғлом муҳит, яъни отаси ичувчи ва онасини ҳақоратловчи, ота-онанинг ўзаро жанжаллари, меҳрсизлик, бепарволик, оиладаги пала-партишлик бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ руҳий иқлимий таъсири натижасида оила аъоларида камтарлик, кўнгилчанглик, илтифот, сабр уятчанглик, яхшилик, юмшоқлик, дилкашлик, мехрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга масъулият, озодалик, иззат-нафс, тежаб тергашлик каби шахс хислатлари таркиб топади. Агарда оилалардаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига қурилган бўлса, у оила аъзолари руҳий дунёсида кеккайиш, писмиқлик, кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти – ҳаракатлар қоидаларини сезмаслик, уларни менсимаслик, ялқовлик, маъсулятсизлик, ифлослик, бағритошлик, шуҳратпараслик, димоғдорлик иллатлари униб чиқади.

Ота-она фарзандларнинг биринчи тарбиячиси. Чунки бола илк тарбияни оиладан олади. Фарзанд оиладан, ота-онанинг оғушидан, қалб ҳароратидан, илиқ нафасидан баҳра олиб улғаяди. Оиладаги тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат ота-оналар билан болалар ўртасида ижобий муҳитни қарор топтиради, уларнинг камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади. [2.Б.104]

Инсон ўзини оила қуришга тайёрман, дейиши учун унда қуйидаги сифатлар мажмуи бўлиши лозим.

Ахлоқий фазилатлар-яъни оила қураман, турмушга чиқаман, дейиш, шахснинг бўлғуси турмуш ўртоғи, бўлажак фарзандлари, янги қариндошлари олдида илгари тажрибасида бўлмаган масъулиятни бўйнига олишни тақозо этади.

Шахслараро муносабатларга, ҳамкорлик қилишга руҳан тайёргарлик-муомала қилиш одобининг бўлиши, янги қариндошлар билан ҳамкорлик қилишга руҳан тайёр бўлиши.

Альтруизм-турмуш ўртоғи ва оила аъзоларига биринчи навбатда фарзандларига нисбатан фидоийлик, севган инсонининг кўнглини билиш ва шунга қараб иш тутиш.

Эмпатия ҳисси-турмуш ўртоғини ҳис-кечинмаларига ўрток бўлиш, унинг ўрнига ўзини қшя билиш, кўнглига йўл топиш.

Юксак маданиятга эга бўлиш-никоҳга кириш учун инсон эстетик жиҳатдан ўзини юксак маданият соҳиби сифатида тасаввур эта олиши зарур.

Бундан ташқари оилада бўладиган низоли вазиятларда зиддиятли ҳолатлардан конструктив тарзда чиқиб кета олишга ҳам ёшлар тайёр бўлиши лозим.

Кўпчилик ёшларимиз, айниқса муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар, оила қуриш арафасида бўлар эканлар аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар. Чунки улар оилада тарбияланар экан ота – онасини низолашиб тортишганини, бир – бирларини ҳурматсизлик қилганларини эслай олмайдилар.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бу биринчи ўринда эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл атворнинг бир-бирига мос келмасликлари, рашк, хиёнат, келин билан кайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гиёхванд моддаларга ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара

олмаслиги), қудаларнинг туйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари, эрнинг дараксиз кетиб қолиши кабилар қайд этилади. Пойтахт бўйича ажримлар сабаблари ўрганилганда, иқтисодий қийинчиликлар туфайли оиланинг бузилиши энг охирги ўринда қайд этилади, чунки аксарият ўзига туқ, бой-бадавлат оилаларда ёшлар асосан уч сабаб туфайли ажришиб кетмоқда: рашк ва хиёнат, келин-қайнона муносабатларидаги келишмовчилик ва турмуш шароитидаги ноқулайликлар. Умуман олганда, никоҳ ажримларининг бош омили ёшларни маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр эмасликларидир.[3.Б.89]

Оила тарбияси масаласи буюк аллома Абу Али ибн Синони ҳам бефарқ қолдирмаган. У ўзининг кўплаб асарларида оилада бола тарбияси, уларнинг саломатлиги, энг муҳими мутафаккирлар ичида биринчи бўлиб бола руҳиятини ўрганиш асосида тарбиявий муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрни кўтариб чиқди. Унинг “Ишороат”, “Донишнома”, “Тиб қонунлари”, “Тадбири манзил” ва бошқа асарларида оила ва оилавий тарбия масаласида қимматли фикрлар билдирилган. Унинг таъкидлашича: “Агар оилада, оила бошлиғи тажрибасизлик, нўноқлик қилса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда ёмон натижалар келиб чиқади”. Ибн Сино оила ва бола тарбиясида шундай дейди: “Ота-онанинг ким бўлишидан қатъий назар уларнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси бола тарбиясидир”. Ибн Сино оилада болаларни тарбиялашда унинг ёшлигидан бошлаб фақат яхши қилиқларга ўргатишни, бу қилиқ эса келажакда унинг характерига айланиб мустаҳкам иродали бўлиб етишишини таъминлайди. Шунингдек, Абу Али ибн Сино бола ахлоқининг шаклланишида эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишлари ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида таъкидлайди. Унинг фикрича, оилада болаларни соғлом, ақлли, ахлоқан пок, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш ота-оналарнинг муқаддас бурчи саналади.

Фикримизни якунлар эканмиз, юртимизда ўсиб, улғайиб келаётган ёшларни мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, етук шахс сифатида

шаклланишлари, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун, аввало оилада осойишталик, иноқлик, тоза психологик муҳитни барқарорлаштирайлик. Зеро бу фарзандларимизнинг ўзига, келажакка бўлган ишонч ҳиссини уйғотишга асосий омил бўлиб хизмат қилсин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1].Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил, 19 январь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи.

[2].Оила психологияси. Шоумаров Ғ. Б таҳрири остида. Т.:2011.-244 б.

[3].В.М. Каримова. Оила психологияси. Т.:2007.-151 б.